4	E27-13-11-1 ШНК.ДОП.9 К=2	ПРИ ИЗМЕНЕНИИ ТОЛЩИНЫ ПОКРЫТИЯ НА 0,5 СМ ДОБАВЛЯТЬ ИЛИ ИСКЛЮЧАТЬ: К НОРМЕ 27-13-010-01 ЗА 2 РАЗА	1000М2	3,045	
4.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	1,16	3,5322
4.2	97	АВТОМОБИЛЬ - САМОСВАЛ, ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 30 Т	М-ЧАС	0,36	1,0962
4.3	464	ГУДРОНАТОРЫ РУЧНЫЕ	МАШ-Ч	0,06	0,1827
4.4	2798	РЕЗЧИК ШВОВ	МАШ-Ч	0,03	0,09135
4.5	3097	УКЛАДЧИКИ АСФАЛЬТОБЕТОНА СРЕДНИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА АСФАЛЬТОУКЛАДЧИКОВ ФИРМЫ "VOGELE" С ШИРИНОЙ УКЛАДКИ ДО 6,5 М	МАШ-Ч	0,36	1,0962
4.6	6076	АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ ПЛОТНАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ	Т	24,22	73,7499
4.7	30135	БИТУМ	Т	0,0026	0,008526
6		ПЕРЕВОЗКА БИТУМ НА 12 КМ	ТН	1,609587	
7		ПЕРЕВОЗКА АСФАЛЬТОБЕТОНА НА 12 КМ	ТН	367,8969	



“ТАШКЕНЛАЙМАН”

Облақлаштириш бошқармаси бошлиги

М.Рўзиев

2022 йил

Объект номи: Қўштепа туман Оқтепа МФЙ Пайман қишлоғи йўлининг қўштепа туман

НУКСОНЛАР КАЙДНОМАСИ

Бунлар қўйма имзо қўйувчилар: Бўжортепа Қўштепа туман Облақлаштириш бошқармаси вақили В.Рўзиев, Лойиҳачи Д.Қозирова, Қўштепа туман Оқтепа МФЙ раиси Ш.Хошимов, Оқтепа МФЙ вақили Ёрданчиен С.Мирзахмедов, “Ташаббуси бюджет” портали ташаббускори Д.Тожиमतова Оқтепа МФЙ ҳудудидagi кўчалар 0,87 км қисмига жорий таъмирот ишларининг 2022 йил Қўштепа тумани “Ташаббуси бюджет” лойиҳасининг 1-маълуми натижаларига асосан жамоатчилик фикри асосига шаклланиган таъбирлари молиелаштириш бўйича ҳамда бу йилнинг амуд тасвирини ва иметрумлар ёрдамда ўлчаб чиқиб, қўйидаги иш турлари ва хажмларини баъарини лойиҳанини амилдади.

Т/р №	Ишларининг миқдори км		Узунлиги, м	Йўл элементларининг мавжуд ҳолати	Лойиҳада қўла тутилган иш турлари ва тартиби	Иш хажмларининг ҳисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ноз
	дан	гача							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Пайман кўчаси 0,86 км									
2	ПК-0-00	ПК-0-86	860	Мавжуд бўлиб 860 метр эски шавкаткопламдан иборат бўлиб, ҳолати нотекис. ҚША баландлиги етарли эмас. Йўл профили таъминланмаган	Йўл асоси профилини Автогрейдер ёрдамида янги материал қўшимасдан тўғрилаш. Асфальтобетон қоринмасидан h=5см қалтиликда қолыма қуриш.	870*4,5	м2	3915	
						870*3,5	м2	3045	
Ашўларини ўрлача ташини масофаен									
					Асфальтобетон махсулати (Сатил АҚЗ)		км	12	
					Битум махсулати (Ватил АҚЗ)		км	12	
					ҚША (Корьер Сатил)		км	12	

Туман облақлаштириш бошқармаси вақили

Лойиҳачи вақили

Оқтепа МФЙ раиси

Оқтепа МФЙ вақили Ёрданчиен:

Ташаббускор



Handwritten signatures of the officials mentioned in the list.

В.Рўзиев

Д.Қозирова

Ш.Хошимов

С.Мирзахмедов

А.Суюнов



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЛИЦЕНЗИЯ

№ 040278

"CONSTSERVIS" MASULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензия

ЛИЦЕНЗИЯ РЕЕСТРИ БЎЙИЧА ТАРТИБ РАҚАМИ
L-523915

СТИР (СОЛИҚ ТУЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИОН РАҚАМИ)
309636474

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ
28.06.2022дан

ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ифтихор МФЙ, Мустақиллик шох кучаси, 46-уй, 7-хонадон

ВАКОЛАТЛИ ОРГАН
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

28.06.2022
ТАҚДИМ ЭТИЛГАН САНА





«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Чирчиқ туман ободонлаштириш
бўжармаси бошлиғи

М.Рўзибоев.

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қўштепа-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Фарғона вилояти Қўштепа тумани Оқтепа МФЙ Найман кўчасини 0.87 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш асфалтлаштириш учун

1.2. Танлов охириги қиймати 279 847 332 сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қўштепа тумани ободонлаштириш бошқармаси, (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қўштепа тумани Шодлик мфй Нуробод кўчаси 47-уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов – “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 10 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари туғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

● Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

4.4. Танлов иштирокчиси:

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Комиссия аъзолари:

К.Саидов.

Р.Абдуллаев.

К.Юлдашев.

Ғ.Мадрахимов.

Йиғилиш котиби:

Р.Жураев.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 42

« 4 » ноябр 2022 йил

Кўштепа т.

Кўштепа туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомига асосан фаолият юритувчи корхона директори М.Рузибоев бир тарафдан ва «FAR KO'RKAM VO'DIY» хусусий корхонаси (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи директори С.Курчиева иккинчи тарафдан жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар пралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва кондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўриштиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. "Буюртмачи" топширигига асосан Оқтепа М.Ф.Й найман кўчасини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларига асосан 2022 йил 4 ноябр кундан бошлаб бажариш муддати: 20 кун 2022 йил 24 ноябр кунига яқунланади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

№	Бажарилиши лозим ишни номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Оқтепа М.Ф.Й найман кўчасини ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш	Комплект	1	270500000	270500000
	Жами:				270500000

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган умумий ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 270500000 (Икки юз етмиш миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

- 3.2. Мазкур шартномага асосан пудратчи томонидан объектда 270500000 (Икки юз етмиш миллион беш юз минг) сўмлик ишлар бажарилади ва буюртмачи томонидан пудратчига бажарилган ишлар учун берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ажратилган маблағнинг 100% молиялаштирилади.

- 3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва еки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланилиши, белгиланган сифат лабораторияси ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 3.3-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатла бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- "Пудратчи"ни ўз вақтида лойиха-смета ҳужжатлари билан таъминлайди,

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллагунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га беради;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган "Пудратчи" томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлашни амалга оширади,

- ушбу шартномада назарда тутилган муддатда микдорда "Пудратчи"га ҳақ тўлайди;

- "Пудратчи"нинг барча муурожаатларининг кун муддатда қўриб чиқади.

6. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. "Буюртмачи" ушбу шартномага асосан "Пудратчи"нинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган қийматнинг 30%гача микдоридан аванс маблағини ўтказиши.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100% микдоридан амалга оширилади.

6.3. "Пудратчи"нинг бошқа харажатлари лойиха-смета ҳужжатларида кўрсатилган бошқа харажатлар қийматидан ошмаган ҳолда тўловга қабул қилинади.

6.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзиде сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторини тайинлайди. У "Буюртмачи"нинг номида бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонида мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пу маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига қирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

8.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1. "Пудратчи":

- барча ишларни тулик хажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди

9.2. "Пудратчи":

- барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини,
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни,

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди, объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуқсон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, уларни текшириб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишдан истисно этмайди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хужалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. "Пудратчи" объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси»нинг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100% гача миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида, белгиланган тартибда Иқтисодий Суд томонидан қўриб чиқилади.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

14. КОРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

14.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 14-сентябрдаги ПФ-6313-сон қарори билан ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладигон давлат харидлари билан боғлиқ шартномаларда коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги бандлар мажбурий белгилаб қўйилади.

14.2 томонлар шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажарилаётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги бандлар конун ҳужжатларининг талабларига зид келадигон ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Томонлар ушуб ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қурилишига қанолат беради.

14.3 шартнома тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (субпудратчилар, Агентлар ва томонлар назорат қиладигон бошқа шахслар) коррупсияга қарши шартларни бажармаган тақдирда, бошқа томон шартномани бир томонлама тартибда тўхтатиб туришга бекор қилишга ҳақли.

15. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

15.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг конуний кучга кирази ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

15.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

16. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БҲЮРТМАЧИ”

«Қўштепа туман Ободонлантириш бошқармаси»

Манзили: Қўштепа тумани Шодлик МФЙ Нуробод кўчаси №72 уй

Қўштепа туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси
х/р: 23402000300100001010

Банк номи Марказий Банк Тошкент ш.ББХЖКМ
МФО: 00014 ИНН:201122919

Ш.Х.Р. 2017-22860302067065200110004



М.Рузибоев

“БАЖАРУВЧИ”

“Фар Қўркам Водий” хўсўсий корхонаси

Манзили: Фарғона шаҳар Тарона кўчаси №15-уй
х/р: 20208000904766465001

Банк номи АО «ZIRAAT BANK UZBEKISTAN»
МФО 00491

СТИР: 301120388

Рахбар _____ С.Курчиева

М.Ў



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

MQ0011184252

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Tumandagi Oqtepa MFY, Nayman ko‘chasi ichki yollarini joriy ta‘mirlash ishlarini bajarish 270 500 000 so‘m.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Qo‘shitepa tuman obodonlashtrish boshqarmasi tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo‘shitepa tuman
yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



I.T.ASAMUTDINOV

04.11.2022

**167644 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

03.11.2022 12:58

Комиссия раиси:



RAKHMAONKULOV ABDUSAMAT ABDURAIMOVICH